

**«Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти  
акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши  
БАЁННОМАСИ № 2**

Умумий йиғилиш ўтказилган сана ва вақт: **2023 йил 27 июн соат 15:00**

Умумий йиғилиш ўтказилган жой: **Тошкент шаҳри, Яшнобод  
тумани, Элбек кўчаси 61 уй  
«Тошкент механика заводи»  
АЖ мажлислар зали.**

«Тошкент механика заводи» Ажнинг (бундан кейин матнда жамият деб номланади) жами акциялари сони:

**18 372 222 дона оддий акцияларни ташкил қилади.**

Жамиятнинг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган жами акциялари сони:

**18 372 222 дона оддий акцияларни ташкил қилади.**

Умумий йиғилишда иштирок этаётган овозлар сони **16 779 235 дона**

Умумий йиғилиш кворуми: **91,33 %.**

**Йиғилиш раиси:**

**Хасилов Хуснутдин Нуриддинович-**  
«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ  
бошқарув раиси в.б,  
«Тошкент механика заводи» АЖ  
кузатув кенгаши раиси;

**Йиғилиш котиби:**

**Давлатов Санжар Лочинали ўғли –**  
«Тошкент механика заводи» АЖ  
акциядорлар билан корпоратив  
муносабатлар бўлими бошлиғи.

**Йиғилишда иштирок этувчилар:**

- **Хасилов Хуснутдин Нуриддинович-** «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ  
бошқарув раиси в.б, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ томонидан Уставга  
асосан «Тошкент механика заводи» Ажнинг 16 410 001 дона оддий акциялар  
бўйича овоз беради.

- Бошқа акциядорлар - 369 234 дона оддий акциялар;

- «Тошкент механика заводи» АЖ кузатув кенгаши аъзолари, жамият  
ижро органи аъзолари.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган  
сана- 2023 йил 21 июн.

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядор-  
ларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни 77 моддаси ҳамда

жамият уставига мувофиқ, кузатув кенгаши раиси акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

Йиғилишни Х.Н.Хасилов кириш сўзи билан очиб, бугунги умумий йиғилишда рўйхатдан ўтган акциядорлар яъни йиғилиш кворуми ҳақида маълумот беришни сўраб саноқ комиссияси раиси Р. Т. Хайдаровга сўз берди.

#### **Саноқ комиссияси ахбороти:**

Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси томонидан 2023 йил 21 июн ҳолатига шакллантирилган «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, «Тошкент механика заводи» Ажнинг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акциялар сони 18 372 222 дона оддий акциялар эканлиги, ундан 16 779 235 дона оддий акция эгалари бугунги йиғилишда иштирок этиш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтганлиги, бу жамият овоз берувчи акцияларининг 91,33 фоизини ташкил этишини, амалдаги қонунчиликка асосан умумий йиғилиш кворуми тўпланганлиги, йиғилиш ваколатли эканлигини айтиб ўтди.

Шундан сўнг йиғилиш раиси Х.Н. Хасилов йиғилишни очик деб эълон қилди, мажлисни тартибли олиб бориш учун йиғилиш ишчи аппаратини, яъни ишчи президиуми, йиғилиш раисини, котибиятни ва саноқ комиссиясини сайлаб олиниши зарурлигини айтиб, ишчи президиумга қуйидаги номзодларни таклиф этди:

#### **Йиғилиш президиуми:**

1. **Хасилов Хуснутдин Нуриддинович** - «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқарув раиси в.б, «Тошкент механика заводи» АЖ кузатув кенгаши раиси;

2. **Исоқов Зафар Зиннатуллоевич** - «Тошкент механика заводи» АЖ бошқарув раиси;

3. **Абдулазизов Абдуҳамид Абдулазизович** - «Тошкент механика заводи» АЖ ишлаб чиқариш директори;

4. **Бозоров Эркин Сайфуллоевич** - «Тошкент механика заводи» АЖ молия директори

Йиғилиш раиси этиб амалдаги қонунчилик талабларига кўра кузатув кенгаши раиси Хасилов Хуснутдин Нуриддинович номзоди тавсия қилинди ва очик овоз бериш йўли билан бир овоздан тасдиқланди.

Йиғилишда билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни қайд қилиш ва йиғилиш баёнини олиб бориш учун котибликка «Тошкент механика заводи» Ажнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи Давлатов Санжар Лочинали ўғли номзоди тавсия қилинди ва очик овоз бериш йўли билан бир овоздан тасдиқланди.

Сўз давомида Х.Н. Хасилов йиғилиш кун тартиби ва уни олиб бориш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди:

## **КУН ТАРТИБИ:**

**1. «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти ижроия органи раҳбарининг 2022 йил якуни бўйича жамиятни молиявий хўжалик фаолияти ҳисоботларини тасдиқлаш тўғрисида.**

Биринчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти бошқарув раиси Исоков Зафар Зиннатуллоевич (5 дақиқа).

**2. 2022 йил якуни бўйича жамиятнинг молиявий хўжалик ҳисоботларини, бухгалтерия балансини ҳамда аудиторлик ташкилотининг ҳисоботларини тасдиқлаш тўғрисида.**

Иккинчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти бош ҳисобчи Шойдуллаев Ўрол Шералиевич (5 дақиқа).

**3. «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти кузатув кенгаши ҳисоботини тинглаш тўғрисида.**

Учинчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти кузатув кенгаши раиси Хасилов Хуснутдин Нуриддинович (5 дақиқа).

**4. «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти тафтиш комиссиясининг 2022 йил молиявий хўжалик фаолияти натижалари бўйича хулосасини тасдиқлаш тўғрисида.**

Тўртинчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти бош ҳисобчи Шойдуллаев Ўрол Шералиевич (5 дақиқа).

**5. «Тошкент механика заводи» Ажнинг 2022 йилда молиявий хўжалик фаолиятидан олинган соф фойдани тақсимлаш тўғрисида.**

Бешинчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти бош ҳисобчи Шойдуллаев Ўрол Шералиевич (5 дақиқа).

**6. «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш тўғрисида.**

Олтинчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи Давлатов Санжар Лочинали ўғли (5 дақиқа).

**7. «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш тўғрисида.**

Еттинчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи Давлатов Санжар Лочинали ўғли (5 дақиқа).

**8. «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти ижроия органи раҳбари ва аъзолари билан меҳнат шартномаларни узайтириш тўғрисида.**

Саккизинчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи Давлатов Санжар Лочинали ўғли (5 дақиқа).

**9. «Тошкент механика заводи» АЖ кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси, ижроия органи аъзоларини ўз вазифаларини бажариб турган давр учун тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорини белгилаш тўғрисида.**

Тўққизинчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи Давлатов Санжар Лочинали ўғли (5 дақиқа).

**10. Аффилланган шахслар билан келгусида «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни маъқуллаш.**

Ўнинчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи Давлатов Санжар Лочинали ўғли (5 дақиқа).

**11. 2022 йил якуни ҳолатига жамиятда корпоратив бошқарув тизими бўйича баҳолаш ҳулосасини тасдиқлаш тўғрисида.**

Ўн биринчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи Давлатов Санжар Лочинали ўғли (5 дақиқа).

**12. «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамиятининг ички ҳужжатларини янги таҳрирда тасдиқлаш тўғрисида.**

Ўн иккинчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи Давлатов Санжар Лочинали ўғли (5 дақиқа).

**13. «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти уставига ўзгартириш киритиш ва янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш тўғрисида.**

Ўн учинчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи Давлатов Санжар Лочинали ўғли (5 дақиқа).

**Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти бошқарув раиси Исоқов Зафар Зиннатуллоевич сўз бошлади.**

2022 йилда ҳам «Тошкент механика заводи» АЖ ишчи-ҳодимлари ва бошқарув аъзолари билан бирга кўплаб муваффақиятли ишлар амалга оширилди. «Тошкент механика заводи» АЖ ҳудудида янги ишлаб чиқариш бинолари қурилди, эски бинолар қайтадан реконструкция қилинди ва ишлаб чиқариш бўлимларига топширилди.

Стратегик ривожлантириш қуйидаги мақсадларга эришиш учун йўналтирилган:

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини ва сифатини ошириш;

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги ошириш;

Электроэнергия ресурслари сарфини яна 2,4% га қисқартириш;

Маҳсулот турини 4 баробарга ошириш;

Ишчи-ҳодимларнинг ойлик маошларини 1,5 баробарга ошириш.

«Тошкент механика заводи» АЖ фаолиятининг асосий мақсад ва вазифалари:

\*Рақобатбардош ва юқори технологияли Саноат ва хўжалик молларининг янги турларини ишлаб чиқариш лойиҳаларини реализация қилиш;

\*«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ таркибидаги корхоналар билан темир йўл техникаларини, эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш ҳамда модернизация қилишда кооперация жараёнларини амалга ошириш, шу билан бирга темир йўл транспорти талабини тўлақонли қондириш ҳамда импорт ҳажмини қисқартириш;

\*ИЛ-114 ва ИЛ-76 самолётларини таъмирлаш хизматини амалга ошириш ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» АЖ ва бошқа чет эл авиакомпанияларнинг эҳтиёт қисмлари ва бутловчи қисмларга бўлган буюртмаларини ишлаб чиқариш;

2022 йилда ҳудудни ободонлаштириш бўйича ишлар давом эттирилди. Янги қўшимча ишлаб чиқариш бинолар барпо этилди. Мавжуд ишлаб чиқариш бинолари қайта таъмирланди ва ёндош маъмурий бошқарув бинолари реконструкция қилинди.

Кадрлар бўлими ва ҳарбийлаштирилган қўриқлаш хизмати ходимлари учун янги бино қурилиш ишлари бошланди.

Жамият ишчи ходимлар ҳаётида соғлом турмуш тарзини кечиришлари учун ҳамда адабиётга бўлган муҳаббатларини ошириш мақсадида спорт комплекси ва кутубхонани ўзида жамлаган ижтимоий маънавият марказининг дастлабки қурилиш босқичи якунланди.

Кун тартибидаги 1- масала бўйича берилган овозлар натижаси:

**Тарафдор- 16 729 213 овоз, Қарши- 50 022 овоз, Бетараф- йўқ**

**Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти бош ҳисобчиси Шойдуллаев Ўрол Шералиевич сўз бошлади.**

2022 йил давомида жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини янада кенгайтириш ва ривожлантириш йўлида барча зарурий ишлар амалга оширилганлиги ва бунинг натижасида иқтисодий аҳвол бир мунча яхшиланганлигини айтиб, йиғилиш қатнашчиларини иқтисодий кўрсаткичлар

билан таништириб, бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботини ўқиб эшиттирди.

«Тошкент механика заводи» акциядорлик жамиятининг 2022 йил якуни бўйича бухгалтерия ва молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини баҳолаш ҳамда унинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлигини ва молиявий ҳисоботларнинг муҳимлиги жиҳатидан тўғри расмийлаштирилганлиги бўйича «НЛВ Tashkent» МЧЖ аудиторлик ташкилоти текширув хулосаларини тақдим этди.

Аудиторлик текшируви бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига ва молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига асосан олиб борилди.

Аудиторлик текшируви хулосаларида «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамиятининг 2022 йил 31 декабр ҳолатига молиявий- хўжалик фаолияти ва молиявий ҳисоботлари бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини қаноатлантириши ҳамда ишончли ва тўғри эканлиги баён этилган.

Кун тартибидagi 2-масала бўйича берилган овозлар натижаси:

**Тарафдор- 16 729 213 овоз, Қарши- 50 022 овоз, Бетараф- йўқ**

**Кун тартибидagi учинчи масала юзасидан маърузачи «Тошкент механика заводи» АЖ кузатув кенгаши раиси Хасилов Хуснутдин Нуриддинвич сўз бошлади.**

Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 59-моддасига мувофиқ жамият кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасида жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киради.

Кузатув кенгаши ўз фаолияти Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни асосида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, ваколатлар доирасида олиб борилди.

2022-2023 йилларда Кузатув кенгаши томонидан жами тўққиз маротаба йиғилишлар ўтказилган.

Юқоридагилардан ташқари Кузатув кенгаши томонидан кенгаш раиси ва котибини сайлаш, кенгашнинг иш режаси, кузатув кенгаши аъзоларининг вазифалар тақсимооти, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ўз вақтида кўрилиб, тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва бажарилиши таъминланган.

Жамият Кузатув кенгаши аъзолари ўз ҳуқуқ ва ваколатлари доирасида, зиммаларидаги мажбуриятларни бажарилишини таъминлаш мақсадида

жамият фаолиятида фаол иштирок этиб, кузатув кенгаши мажлисларида иштирок этиб, кун тартибидаги масалалар юзасидан овоз бериш билан биргаликда, мажлисларга тайёргарлик кўриш, ҳисоботларни тайёрланиши ва бажарилишини назорат қилиш, уни ўрганиш ва тўғри баҳо бериб, қарорлар қабул қилиш мақсадида жамият ижро органи, жамият бўлимлари, аудитор ва бухгалтерлар, жамият мутахассислари билан мулоқотда бўлиб, амалий ёрдамлар берилган.

Кун тартибидаги 3-масала бўйича берилган овозлар натижаси:

**Тарафдор- 16 410 733 овоз, Қарши- 50 022 овоз, Бетараф- 318 480 овоз**

**Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан маърузачи** - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти бош ҳисобчиси бош ҳисобчи Шойдуллаев Ўрол Шералиевич сўз бошлади.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 59-моддасига мувофиқ жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшитиш акциядорлар умумий йиғилиши ваколатига киради.

Тафтиш комиссияси томонидан жамият молиявий-хўжалик фаолияти, ишлаб чиқаришни режалаштирилиши, жамиятнинг аффилиланган шахслар билан битимлар ва йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниб, дебитор ва кредитор қарзларнинг таҳлили мунтазам равишда тафтиш қилиниб, ўрганиб борилди. («Тошкент механика заводи» АЖ Тафтиш комиссиясининг хулосаси илова қилинади).

Кун тартибидаги 4-масала бўйича берилган овозлар натижаси:

**Тарафдор- 16 729 213 овоз, Қарши- 50 022 овоз, Бетараф- йўқ**

**Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан маърузачи** - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти бош ҳисобчиси Шойдуллаев Ўрол Шералиевич сўз бошлади.

«Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги ПФ-165-сонли Фармонининг 4.5. бобига мувофиқ:

жаҳон тажрибаси асосида устав фондида 50 ва ундан ортиқ фоиз давлат улуши бўлган хўжалик жамиятларининг ҳамда давлат ташкилотларининг фойда солиғини тўлагунга қадар фойданинг 10 фоизгача миқдоридаги мажбурий ажратмаларини «тубдан янгиловчи» инновациялар яратишга ва жорий қилишга йўналтириш белгиланган.

«Тошкент механика заводи» акциядорлик жамиятининг 2022 йил давомидаги фаолиятидан олинган 3 422 506 000 сўм соф фойдасини жамият кузатув кенгаши билан келишган ҳолда:

10 фоиз ёки 342 250 600 сўм «тубдан янгиловчи» инновацияларга;

90 фоиз ёки 3 080 255 400 сўм дивидендга йўналтириш масаласи кўриб чиқиш таклиф этилди.

Бунда 3 080 255 400 сўм соф фойдадан дивиденд солиғини (5%) ҳисобга олганда 2 926 242 630 сўмни ташкил этади ҳамда бир дона акцияга ажратиладиган дивиденд миқдори солиқларни ҳисобга олганда 159,28 сўмни ташкил этади.

Дивиденд тўлаш акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилган кундан эътиборан 60 кун ичида юридик шахсларнинг ҳисоб рақамига, жисмоний шахсларнинг ўз аризаларига биноан пластик карталарига нақдсиз пул кўринишида пул ўтказиш йўли орқали амалга оширилади.

Акциядорлар томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд жамият ихтиёрида қолиши таъкидлаб ўтилди.

Кун тартибидаги 5-масала бўйича берилган овозлар натижаси:

**Тарафдор- 16 729 213 овоз, Қарши- 50 022 овоз, Бетараф- йўқ**

**Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан маърузачи** - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи Давлатов Санжар Лочинали ўғли сўзга чиқди.

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 76 - моддасига мувофиқ

Жамият кузатув кенгашининг аъзолари ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади.

«Тошкент механика заводи» акциядорлик жамиятининг 89,32 % акцияларига эгалик қиливчи «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ томонидан қуйидаги номзодлар кузатув кенгаши аъзолигига уч йил муддатга сайлаш учун таклиф қилинмоқда:

Хасилов Хуснутдин Нуриддинович «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси в.б.

Ахмедов Эргашбой Ботирович «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ вагон хўжалиги бошқармаси бошлиғи

Қаршиев Олег Келдиярович «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ техника ва технология назорати бошқармаси бошлиғи

Сабуров Жўрабек Мақсудович «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ молия бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари

Кахаров Нодир Баходирович «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ саноат фаолиятини ташкил этиш ва назорати бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Одилов Фаррух Баходирович «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Атажанов Камал Атаваевич «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси бошлиғи

Назарова Дилдор Тимуровна «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ инвестицияни жалб қилиш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Қиличев Умид Ибадуллаевич «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ иқтисодий таҳлил ва прогнозлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари

«Тошкент механика заводи» акциядорлик жамиятининг уставига асосан Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 9 кишидан иборат.

Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

Кумулятив сайлов беришда акциядорлар ўз акциялар сонини жами номзодлар сонига кўпайтиради ҳам ўз номзодига ёки номзодларига овоз бермоқчи бўлган акциялар сонини киритади.

Кун тартибидаги 6-масала бўйича берилган овозлар натижаси:

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқарув раиси в.б. Хасилов Хуснутдин Нуриддинович овоз берган акциялар сони- **16 729 081 овоз** билан сайланди.

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ вагон хўжалиги бошқармаси бошлиғи Ахмедов Эргашбой Ботировичга овоз берган акциялар сони- **16 729 081 овоз** билан сайланди.

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ техника ва технология назорати бошқармаси бошлиғи Қаршиев Олег Келдияровичга овоз берган акциялар сони- **16 729 081 овоз** билан сайланди.

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ молия бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари Сабуров Жўрабек Мақсудовичга овоз берган акциялар сони- **16 729 081 овоз** билан сайланди.

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ саноат фаолиятини ташкил этиш ва назорати бошқармаси бошлиғи ўринбосари Кахаров Нодир Баходировичга овоз берган акциялар сони- **16 729 081 овоз** билан сайланди.

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Одилов Фаррух Баходировичга овоз берган акциялар сони- **16 729 081 овоз** билан сайланди.

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси бошлиғи Атажанов Камал Атаваевичга овоз берган акциялар сони- **16 729 081 овоз** билан сайланди.

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ инвестицияни жалб қилиш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Назарова Дилдор Тимуровнага овоз берган акциялар сони- **17 179 279 овоз** билан сайланди.

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ иқтисодий таҳлил ва прогнозлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Қиличев Умид Ибадуллаевичга овоз берган акциялар сони- **16 729 081 овоз** билан сайланди.

**Кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан маърузачи** - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи Давлатов Санжар Лочинали ўғли сўзга чиқди. «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамиятининг 89,32 % акцияларига эгалик қиливчи «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ томонидан қуйидаги номзодлар тафтиш комиссияси аъзолигига сайлаш учун таклиф қилинмоқда:

Холмухаммедова  
Хуршида Шожалоловна

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ  
трансформация офиси етакчи  
мутахассиси

Фозилов Жамшид  
Равшанович  
Шакиров Азамат  
Аскаралиевич

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ  
молия бошқармаси бош ҳисобчиси  
«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ  
акциядорлар билан корпоратив  
муносабатлар бошқармаси бўлим  
бошлиғи

«Тошкент механика заводи» акциядорлик жамиятининг уставига асосан тафтиш комиссияси аъзоларининг сони 3 кишидан иборат.

Тафтиш комиссияси бир йиллик муддатга акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида овоз бериш орқали сайланади.

Кун тартибидаги 7-масала бўйича берилган овозлар натижаси:

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ трансформация офиси етакчи мутахассиси-Холмухаммедова Хуршида Шожалаловнага овоз берган акциялар сони - **16 729 205 овоз** билан сайланди.

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ молия бошқармаси бош ҳисобчиси - Фозилов Жамшид Равшановичга овоз берган акциялар сони- **16 729 205 овоз** билан сайланди.

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси бўлим бошлиғи - Шакиров Азамат Аскаралиевичга овоз берган акциялар сони - **16 729 205 овоз** билан сайланди.

**Тарафдор- 16 729 205 овоз, Қарши- 50 030 овоз, Бетараф- йўқ**

**Кун тартибидаги саккизинчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи»** акциядорлик жамияти акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи Давлатов Санжар Лочинали ўғли сўзга чиқди.

«Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти ижро органи таркиби 6 кишидан иборат эканлигини билдириб ўтиб, бошқарув раиси Исоқов Зафар Зиннатуллоевич билан меҳнат шартомасини бир йил муддатга узайтиришни таклиф этиб қуйидаги номзодларни ижроия органи аъзолигига тасдиқлашни таклиф этилди:

Собиров Анвар

«Тошкент механика заводи» АЖ

Мухаммадович

бош муҳандиси

Бозоров Эркин

«Тошкент механика заводи» АЖ

Сайфуллоевич

молия директори

Абдулазизов Абдуҳамид

«Тошкент механика заводи» АЖ

Абдулазизович

ишлаб чиқариш директори

Джураев Жасур

«Тошкент механика заводи» АЖ

Мухаммедович

тижорат директори

Хафизов Нормурод

«Тошкент механика заводи» АЖ

Кулдашович

юримдик бўлим бошлиғи

Кун тартибидаги 8-масала бўйича берилган овозлар натижаси:

**Тарафдор- 16 729 213 овоз, Қарши- 50 022 овоз, Бетараф- йўқ**

**Кун тартибидаги тўққизинчи масала юзасидан маърузачи - «Тошкент механика заводи»** акциядорлик жамияти акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи Давлатов Санжар Лочинали ўғли сўзга чиқди.

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни ҳамда «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамиятининг уставига асосан жамият кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ҳамда бошқарув органи аъзоларини мукофаотлаш ҳамда ишлаб турган даврида ҳақ ва компенсациялар тўлаш акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколати доирасида эканлиги белгиланган.

Шунга кўра «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ҳамда бошқарув органи аъзоларини 2022 йил якунлари бўйича кузатув кенгаши раисига меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорининг 20 баравари миқдорида, кузатув кенгаши аъзолари ва котибига меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорининг 15 баравари миқдорида, тафтиш комиссияси аъзоларига меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорининг 5 баравари миқдорида, ижроия органи аъзоларига меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорининг 10 баравари миқдорида ҳақ тўлаш ва 2023-2024 йил ҳар чорак якунида ўз вазифаларини бажариб турган давр учун кузатув кенгаши аъзолари ва котибига меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорининг 15 баравари миқдорида, тафтиш комиссияси аъзоларига

меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорининг 5 баравари миқдорида ҳамда ижроия органи аъзоларига меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорининг 10 баравари миқдорида ҳақ тўлаш таклиф этилди.

Кун тартибидаги 9-масала бўйича берилган овозлар натижаси:

**9.1.Тарафдор-16 410 685 овоз,Қарши-50 070 овоз,Бетараф- 318 480 овоз**

**9.2.Тарафдор-16 410 725 овоз,Қарши-50 030 овоз, Бетараф-318 480 овоз**

**Кун тартибидаги ўнинчи масала юзасидан маърузачи** - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи Давлатов Санжар Лочинали сўзга чиқди.

Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 88-моддасига асосан жамиятнинг кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши аффилиланган шахс билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли эканлигини, шунга кўра аффилиланган шахс билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги 2024 йилда бўладиган йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш таклифини киритди.

Кун тартибидаги 10-масала бўйича берилган овозлар натижаси:

**Тарафдор- 319 212 овоз, Қарши- 50 022 овоз, Бетараф- йўқ**

Йиғилишда қатнашган «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ушбу масала юзасидан овоз бера олмаганлиги сабабли кўпчилик овоз билан тасдиқланди.

**Кун тартибидаги ўн биринчи масала юзасидан маърузачи** - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи Давлатов Санжар Лочинали сўз бошлади.

Жамиятда қабул қилинган корпоратив бошқарув кодекс талабларидан келиб чиқиб, жамиятда қабул қилинган корпоратив бошқарув кодекси талаблари асосида «Silk Capital» МЧЖ мустақил баҳоловчи ташкилот томонидан «Тошкент механика заводи» АЖнинг 2022 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини ва молиявий фаолиятини Давлат рақобат қўмитаси ва корпоратив илмий таълим маркази томонидан тасдиқланган саволнома асосида ўтказилган баҳолаш натижалари тўғрисидаги хулосаси ва тегишли тавсиялари билан таништириб ўтди.

Хулосага кўра жамиятда корпоратив бошқарув тизимини ва молиявий фаолиятини баҳоланиши натижалари 466 баллни ташкил этди.

Кун тартибидаги 11-масала бўйича берилган овозлар натижаси:

**Тарафдор- 16 410 733 овоз, Қарши- 50 022 овоз, Бетараф- 318 480 овоз**

**Кун тартибидаги ўн иккинчи масала юзасидан маърузачи** - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи Давлатов Санжар Лочинали сўз бошлади.

Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни 59-моддасига ва жамият уставига асосан жамиятнинг ички низомларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирда тасдиқлаш акциядорлар умумий йиғилиши ваколатига киришини таъкидлаб ўтди.

Шунга кўра:

- «Тошкент механика заводи» АЖ вакилларнинг, устав фондида иштирок этаётган хўжалик жамиятлари бошқарув органларида овоз бериш тартиби;

- «Тошкент механика заводи» АЖнинг Кузатув кенгаши йиғилишларини сўров ўтказиш йўли билан, шунингдек, видеоконференц-алоқа режимида ўтказиш тўғрисидаги Низоми;

- «Тошкент механика заводи» АЖнинг ҳомийлик ва бегараз ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомларни ва тартибини иловага мувофиқ тасдиқлашни таклиф қилди.

Кун тартибидаги 12-масала бўйича берилган овозлар натижаси:

**Тарафдор- 16 729 213 овоз, Қарши- 50 022 овоз, Бетараф- йўк**

**Кун тартибидаги ўн учинчи масала юзасидан маърузачи** - «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи Давлатов Санжар Лочинали сўз бошлади.

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 76- моддасига мувофиқ:

Жамият кузатув кенгашининг аъзолари ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланиши белгиланган.

«Тошкент механика заводи» акциядорлик жамиятининг Кузатув кенгашининг тавсиясига биноан ижроия органи аъзолари сони 6 киши этиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 10 августдаги «Тошкент механика заводи» АЖ ҳудудида янги ишлаб чиқариш лойиҳаларини жадаллаштиришнинг қўшимча чора тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 майдаги «Давлат иштирокидаги корхоналарнинг активларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 266-сонли қарорлари ижросидан келиб чиқиб, «Тошкент механика заводи» АЖнинг устав фонди камайиши

натижасида амалдаги жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритилишини билдириб ўтди.

| Амалдаги таҳрир                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                               | Янги таҳрир                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                  |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 3.2. Жамиятнинг Устав фонди 107 883 624 000 (бир юз ети миллиард саккиз юз саксон уч миллион олти юз йигирма тўрт минг) сўмни ташкил этади ва бир акциянинг номинал қиймати 4 000 (тўрт минг) сўм миқдорида 26 970 906 (йигирма олти миллион тўққиз юз етмиш минг тўққиз юз олти) дона оддий акцияга тақсимланган.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                            | 3.2. Жамиятнинг Устав фонди 73 489 276 000 (етмиш уч миллиард тўрт юз саксон тўққиз миллион икки юз етмиш олти минг) сўмни ташкил этади ва бир акциянинг номинал қиймати 4 000 (тўрт минг) сўм миқдорида 18 372 319 (ўн саккиз миллион уч юз етмиш икки минг уч юз ўн тўққиз) дона оддий акцияга тақсимланган.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                               |
| 10.20. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан қонунчиликда ва ушбу уставда назарда тутилган тартибда 1 (бир) йил муддатга сайланади.<br>Жамият кузатув кенгаши таркибига танланган шазслар, чексиз равишда бошқатдан сайланиши мумкин.<br>Жамиятнинг бошқарув раиси ва бошқарув аъзолари, Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланила олинмайди.<br>Жамиятда меҳнат шартномаси (контракти) бўйича ишловчи шахслар, Жамият Кузатув кенгаши аъзолари бўла олмайди.<br>Жамият кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар, Жамият акциядорлари Умумий йиғилиши билан тасдиқланадиган «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги Низом билан белгиланади. | 10.20. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан қонунчиликда ва ушбу уставда назарда тутилган тартибда 3 (уч) йил муддатга сайланади.<br>Жамият кузатув кенгаши таркибига танланган шазслар, чексиз равишда бошқатдан сайланиши мумкин.<br>Жамиятнинг бошқарув раиси ва бошқарув аъзолари, Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланила олинмайди.<br>Жамиятда меҳнат шартномаси (контракти) бўйича ишловчи шахслар, Жамият Кузатув кенгаши аъзолари бўла олмайди.<br>Жамият кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар, Жамият акциядорлари Умумий йиғилиши билан тасдиқланадиган «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги Низом билан белгиланади. |
| 10.31. Бошқарувнинг миқдор таркиби 9 кишидан иборат.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                          | 10.31. Бошқарувнинг миқдор таркиби 6 кишидан иборат.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                         |

Кун тартибидаги 13-масала бўйича берилган овозлар натижаси:

**Тарафдор- 16 729 213 овоз, Қарши- 50 022 овоз, Бетараф- йўқ**

## Акциядорларнинг умумий йиғилиши овоз бериш натижаларига кўра ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1.«Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти ижроия органи раҳбарининг 2022 йил якуни бўйича жамиятни молиявий хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин.

2.2022 йил якуни бўйича жамиятнинг молиявий хўжалик ҳисоботлари, бухгалтерия баланси ҳамда аудиторлик ташкилотининг ҳисоботлари тасдиқлансин.

3.«Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти кузатув кенгаши ҳисоботи тасдиқлансин.

4.«Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти тафтиш комиссиясининг 2022 йил молиявий хўжалик фаолияти натижалари бўйича хулосаси тасдиқлансин.

5.«Тошкент механика заводи» акциядорлик жамиятининг 2022 йил давомидаги фаолиятидан олинган соф фойдаси 3 422 506 000 сўмдан:

10 фоиз ёки 342 250 600 сўм «тубдан янгиловчи» инновацияларга;

90 фоиз ёки 3 080 255 400 сўм дивидендга йўналтириш белгилансин.

Бунда 3 080 255 400 сўм соф фойдадан дивиденд солиғини (5%) ҳисобга олганда 2 926 242 630 сўмни ташкил этади ҳамда бир донга акцияга ажратиладиган дивиденд миқдори солиқларни ҳисобга олганда 159,28 сўм қилиб белгилансин.

Дивиденд тўлаш акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилган кундан эътиборан 60 кун ичида юридик шахсларнинг ҳисоб рақамига, жисмоний шахсларнинг ўз аризаларига биноан пластик карталарига нақдсиз пул кўринишида пул ўтказиш йўли орқали амалга оширилади.

Акциядорлар томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд жамият ихтиёрида қолади.

6.Овоз бериш натижаларига кўра қуйидагилар кузатув кенгаши аъзолигига сайланди:

Хасилов Хуснутдин

Нуриддинович

Ахмедов Эргашбой Ботирович

Қаршиев Олег Келдиярович

Сабуров Жўрабек Мақсудович

Кахаров Нодир Баходирович

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ  
бошқаруви раиси в.б.

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ  
вагон хўжалиги бошқармаси бошлиғи

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ  
техника ва технология назорати  
бошқармаси бошлиғи

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ  
молия бошқармаси бошлиғи биринчи  
ўринбосари

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ  
саноат фаолиятини ташкил этиш ва

|                           |                                                                                                                                                             |
|---------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Одилов Фаррух Баходирович | назорати бошқармаси бошлиғи<br>ўринбосари<br>«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ<br>акциядорлар билан корпоратив<br>муносабатлар бошқармаси бошлиғи<br>ўринбосари |
| Атажанов Камал Атаваевич  | «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ<br>акциядорлар билан корпоратив<br>муносабатлар бошқармаси бошлиғи                                                            |
| Назарова Дилдор Тимуровна | «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ<br>инвестицияни жалб қилиш ва<br>инвестиция лойиҳаларини амалга<br>ошириш бошқармаси бошлиғи<br>ўринбосари                    |
| Қиличев Умид Ибадуллаевич | «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ<br>иқтисодий таҳлил ва прогнозлаш<br>бошқармаси бошлиғи ўринбосари                                                            |

7. Овоз бериш натижаларига кўра қуйидагилар тафтиш комиссияси аъзолигига сайланди:

|                                       |                                                                                                           |
|---------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Холмухаммедова<br>Хуршида Шожалаловна | «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ<br>трансформация офиси етакчи<br>мутахассиси                                |
| Фозилов Жамшид Равшанович             | «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ<br>молия бошқармаси бош ҳисобчиси                                           |
| Шакиров Азамат Аскаралиевич           | «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ<br>акциядорлар билан корпоратив<br>муносабатлар бошқармаси бўлим<br>бошлиғи |

8. «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти ижроия органи раҳбари ва аъзолари билан меҳнат шартномалари бир йил муддатга яни акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилиши кунига қадар узайтирилсин. «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти ижроия органи (бошқарув) қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

Исоқов Зафар Зиннатуллоевич- бошқарув раиси  
Собиров Анвар Мухаммадович- бош муҳандис  
Бозоров Эркин Сайфуллаевич- молия директори  
Абдулазизов Абдухамид Абдулазизович- ишлаб чиқариш директор  
Джураев Жасур Мухаммедович- тижорат директори  
Хафизов Нормурод Кулдашович - юридик бўлим бошлиғи

9.1. «Тошкент механика заводи» акциядорлик жамияти кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ҳамда бошқарув органи аъзоларини ўз вазифаларини

бажариб турган давр учун 2022 йил якунлари бўйича рағбатлантирилсин унга кўра:

кузатув кенгаши раисига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 20 (йигирма) баравари миқдорида, кузатув кенгаши аъзолари ва котибига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 15 (ўн беш) баравари миқдорида, тафтиш комиссияси аъзоларига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 5 (беш) баравари миқдорида, ижроия органи аъзоларига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 10 (ўн баравари) баравари миқдорида ҳақ тўлансин.

9.2. 2023-2024 йил ҳар чорак якунида ўз вазифаларини бажариб турган давр учун кузатув кенгаши аъзолари ва котибига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 15 (ўн беш) баравари миқдорида, тафтиш комиссияси аъзоларига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 5 (беш) баравари миқдорида ва ижроия органи аъзоларига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 10 (ўн) баравари миқдорида ҳақ тўлансин.

10. Аффилланган шахслар билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг келгуси 2024 йилда бўлиб ўтадиган йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимлари маъқуллансин.

11. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича корпоратив бошқарув тизими ва молиявий фаолиятини баҳоланиши натижалари тўғрисида қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият олиб борувчи- “Silk Capital” МЧЖ томонидан тақдим этилган хулосаси маълумот учун қабул қилинсин ҳамда тасдиқлансин.

12. Жамиятнинг қуйидаги ички ҳужжатлари- низомлари тасдиқлансин.

-«Тошкент механика заводи» АЖ вакилларнинг, устав фондида иштирок этаётган хўжалик жамиятлари бошқарув органларида овоз бериш тартиби;

-«Тошкент механика заводи» АЖнинг Кузатув кенгаши йиғилишларини сўров ўтказиш йўли билан, шунингдек, видеоконференц-алоқа режимида ўтказиш тўғрисидаги Низоми;

-«Тошкент механика заводи» АЖнинг ҳомийлик ва беғараз ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги Низом.

13. Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 76- моддасига мувофиқ Жамият кузатув кенгашининг аъзолари ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланиши белгилансин.

«Тошкент механика заводи» акциядорлик жамиятининг Кузатув кенгашининг тавсиясига биноан ижроия органи аъзолари сони 6 киши этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 10 августдаги «Тошкент механика заводи» АЖ ҳудудида янги ишлаб чиқариш

лойиҳаларини жадаллаштиришнинг қўшимча чора тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 майдаги «Давлат иштирокидаги корхоналарнинг активларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 266-сонли қарорлари ижросидан келиб чиқиб, «Тошкент механика заводи» АЖнинг устав фонди камайиши натижасида амалдаги жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритилсин ҳамда янги таҳрирдаги устави тасдиқлансин.

Йиғилиш раиси:

**Х.Н. Хасилов**

Йиғилиш котиби:

**С.Л.Давлатов**

Ушбу баённома 2023-йил 6-июлда икки нусхада тузилди.